

Мухаммедов Мурод Мухаммедович,

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Иқтисодиёт назарияси” профессори, иқтисод
фанлари доктори

Мардонов Баҳодир Бахронович,

Зармед университети (Самарқанд шаҳри) илмий
ишлар ва инновациялар бўйича проректори,
доцент, иқтисод фанлари доктори

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

УЎК: 378

[HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL_2025_ISSUE_1_1](https://doi.org/10.34920/so/vol_2025_issue_1_1)

МУХАММЕДОВ М.М., МАРДОНОВ Б.Б. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада олий маълумотли кадрларни тайёрлашда янги таълим тизимининг аҳамияти, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги роли ёритилган. Уларнинг муаммолари ҳақида фикрлар билдирилган ҳамда бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: таълим хизматлари, рақобат, меҳнат ресурслари, ЯИМ, ижтимоий хизматлар, таълим сифати, меҳнат унумдорлиги, фойда, товар, ижтимоий хизматлар, тадбир-корлик.

МУХАММЕДОВ М.М., МАРДОНОВ Б.Б. АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ФОРМИРОВАНИЯ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ НОВОЙ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ

В статье подчеркивается значение новой системы образования в подготовке высоко образованных кадров, ее роль в социально-экономическом развитии страны. Высказаны мнения по поводу их проблем и разработаны предложения по устранению.

Ключевые слова и понятия: образовательные услуги, конкуренция, трудовые ресурсы, ВВП, социальные услуги, качество образования, производительность труда, прибыль, товары, социальные услуги, предпринимательство.

MUXAMEDOV M.M., MARDONOV B.B. A NEW EDUCATION SYSTEM IS BEING FORMED IN NEW UZBEKISTAN CURRENT ISSUES OF FORMATION OF A NEW EDUCATION SYSTEM IN NEW UZBEKISTAN

The article emphasizes the importance of the new education system in the training of highly educated personnel, its role in the socio-economic development of the country. Opinions were expressed regarding their problems and proposals for elimination were developed.

Key words and concepts: educational services, competition, labor resources, GDP, social services, quality of education, labor productivity, profit, goods, social services, entrepreneurship.

Кириш.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишига, унинг тараққиётнинг равон йўлига чиқишига таъсир кўрсатувчи омиллар жуда кўп. Уларнинг мўжазгина рўйхатида таълим биринчи ўринда туради. Таълимнинг тараққиётни таъминлашдаги улкан имкониятларидан унумли ва ўринли фойдаланган давлатлар аллақачонлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёт пойгасида пешқадамликни қўлга киритиш ва тараққиётнинг юқори чўққиларидан халқига муносиб ўрин эгаллаш шарафига муяссар бўлдилар. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар Учинчи Ренессанс пойдеворини куриш томон қўйилган дадил қадам бўлиб, у мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида чинакамига туб бурилиш ясаш имконияти эшигини очиб берди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ҳам анча йиллар таълим тизими монополия исканжасидан чиқолмади. Бозор иқтисодиёти объектив қонунлари талабларини инкор қилиш оқибатида тараққиётда эришиш мумкин бўлган катта имкониятлар бой берилди, қўлга киритилиши муқаррар бўлган иқтисодий ўсиш суръатларига эришилмади. Таълим соҳасида рақобат муҳитининг яратилмаганлиги унинг чексиз имкониятларини мамлакат ижтимоий-иқтисодий юксалишининг етакчи омилига, драйверига айлантди йўлида асосий тўсиқ бўлди. Чунки, айнан рақобат бозор иқтисодиёти куч-қудратини, мўжизаларини рўёбга чиқариш механизмлари таркибида асосий ўринни эгаллаш барча иқтисодчилар яқдиллик билан эътироф этган аксиома. Мустақилликка эришган Ўзбекистонда рақобат муҳитисиз таълим бепоён далага эркинликка чиқарилган баҳайбат шер каби, ноилож ва нимжон эди.

Кишилик жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичида жаҳон хўжалигида таълим мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг етакчи омилига айланди. Таълимнинг мўжизакор кучини ўз вақтида пайқаган, унинг оламшумул аҳамиятини идрок этган, қадрлаган мамлакатлар аллақачонлар таълимнинг имкониятларидан амалий натижалар олиб, ўз халқи учун муносиб ҳаёт фаровонлигини яратдилар. Бу борада Япония,

АҚШ, ривожланган Ғарб мамлакатларининг таҳсинга лойиқ илғор тажрибаси фикримизнинг ёрқин далилидир.

Янги Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг кўрсатмалари асосида ва бевосита раҳнамолигида таълим соҳасида юз бераётган революцион ўзгаришлар таълимдан хабари бор кишиларга катта қувонч бағишлади, уларнинг қалбида таълимнинг улкан салоҳияти она юрт равнақи йўлида хизмат қилишига реал имконият пайдо бўлганлигига ишонч ҳосил қилди. Таълим соҳасида изчил амалга оширилаётган туб ўзгаришлар таркибида олий таълим соҳасида тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш асосида рақобат муҳитининг яратилиши энг аҳамиятлиси бўлди.

Мавзу бўйича илмий адабиётларнинг қисқача шарҳи.

Таълим хизматларини ривожлантиришнинг умумиқтисодий муаммолари бўйича хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилган. М.Н.Кожевникова¹, Е.С.Сахарчук², В.В.Вольчик, И.М.Ширяев³, Н.Г.Муминов, Г.М.Захирова⁴ ва бошқаларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир. Ушбу олимлар асосан таълим хизматларнинг назарий асосларини, уни ривожлантиришнинг амалий муаммолари ва тенденцияларини тадқиқ этишган. Шунингдек, кадрлар тайёрлашдаги аҳамиятини кенг ёритиб беришган. Республикамиз иқтисодчи

¹ Кожевникова М.Н. Мир людей. Учить жить вместе, в радости, в добре. Направление социально-эмоционально-этического образования в гуманистической парадигме российского образования. Монография. — СПб: Издательство РХГА, 2023. - 307 с.

² Сахарчук Е.С. Анализ зарубежных моделей подготовки кадров для сферы туризма: монография. – Кнорус, 2022.

³ Вольчик В.В., Ширяев И.М. Дистанционное высшее образование в условиях самоизоляции и проблема институциональных ловушек // Актуальные проблемы экономики и права. 2020. Т. 14, № 2. С. 235–248.

⁴ Муминов Н.Г., Захирова Г.М. Национальный университет Узбекистана колыбель университетского образования и академической науки в регионе. Монография. Сер. «Евразийские университеты XXI века». - Москва, 2022. С. 290-304.

олимларидан М.Қ.Пардаев¹, А.О.Очилов², С.А.Исхакова³ ва бошқалар мамлакатимизда таълим хизматларини ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари, таълим хизматларини сифатини оширишда синергетик самара усулларидан фойдаланиш имкониятлари, таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини, таълим хизматларида бозор муносабатларининг шаклланиши, таълим хизматлари самарадорлиги кўрсаткичларига таъсири бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришган. Лекин юқорида номлари зикр этилган хорижлик ва республикамиз олимлари томонидан амалга оширилган илмий ишларида таълим хизматларини ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва уни ривожлантиришнинг улкан салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг услубий жиҳатлари ёритиб берилмаган.

Назарий изланишлар шуни кўрсатдики, “Таълим хизматлар” тушунчаси кишилик жамиятининг турли босқичларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида шакллана бошлаган. Биз бу атамани давлат бўлиб шаклланган мамлакатларнинг ривожланиш жараёни билан боғлиқ воқеа сифатида баҳоладик. Тадқиқот ишларида⁴ таълим хизматларини ХХ асрнинг ўрталарида шаклланишини ва давлатнинг иқтисодий ўсиш суръатларида муҳим роль ўйнагани таъкидланган. Кишилик жамиятнинг олдинги даврларида аграр ва индустриал жамиятда таълим хизматлари иккинчи даражаси тармоқ сифатида қаралган. Постиндустриал жамиятда эса таълим хизматлари миллий иқтисодиётда алоҳида тармоқ сифатида муҳим ўрин эгаллади. Тўрт, беш ёки сак-

киз секторли иқтисодиётда ҳам таълим хизматлари алоҳида сектор ҳисобланади.

Таълим хизматларининг ҳозирги кундаги юқори аҳамияти ва халқаро миқёсидаги мавқеи унга тадқиқотчиларнинг эътиборини кучайтирди. Илмий адабиётларда “Таълим хизматлари”, “Ижтимоий хизматлари”, “Иқтисодий таълим хизматлари”, “Таълим маҳсулотлари” каби атамалар мавжуд. ЮНЕ-СКО халқаро ташкилотининг ходимлари таълим хизматларига қуйидаги таърифни беришган: “Таълим хизматлари - бу қобилиятларни такомиллаштириш, ижтимоий етукликка эришадиган шахснинг хатти-ҳаракати ва индивидуал ўсиши ҳисобланади”⁵.

Тадқиқот методологияси.

Таълим хизматларининг моҳиятини ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ёритишда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, монографик тадқиқ этиш, таққослаш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан таълим соҳасига, жумладан, олий таълимга тадбиркорлик фаолияти учун кенг йўл очиб берилиши Янги Ўзбекистонда илм-фан, таълимни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари замирида энг муҳим босқич бўлди, десак, инкор қилиб бўлмайдиган айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз. Унинг натижасида таълим соҳасини ривожлантиришга катта тўсқинлик қилаётган давлат монополиясига чек қўйилиб, ушбу соҳа имкониятларини тараққиёт драйверига айлантириш учун сувдек зарур бўлган рақобат муҳити яратилди.

Изланишнинг мақсади.

Олий таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган ушбу муҳим қадам унинг тараққиётдаги ролини тўла идрок этмаган одамлар учун оддий бир нарса бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Лекин, бизнинг назаримизда, бу Янги Ўзбекистон ҳаётида туб бурилиш ясашга қодир, катта қониқиш билан эъти-

¹ Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. Монография. - “Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи”, 2020. - 256 б.

² Очилов А.О. Юқори малака кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертация автореферати. - Тошкент, ТДИУ, 2019. - 76 бет.

³ Исхакова С.А. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли даромадлари. Монография. - СамДЧТИ: 2021. - 204 б.

⁴ Канунникова А.М. Экспорт образовательных услуг России в условиях современных вызовов развития глобальной экономики. Специальность: 5.2.5-Мировая экономика. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. - Москва: 2024. 182 с. - С. 26.

⁵ Организационные вопросы системы образования // Электронный учебно методический комплекс : [сайт]. – Текст : электронный. – DOI отсутствует. – URL: http://www.kgau.ru/distance/mf_01/timofeeva-orgosn-obr/2_2.html (дата обращения: 10.12.2024).

роф этишга лойиқ тарихий воқелик, бўлди. Мамлакатимизда хусусий олий таълим муассасалари пайдо бўлишининг аҳамияти ва ижобий ролининг айрим жиҳатларини очиб беришга уриниб кўрмоқчимиз.

Биринчидан, олий таълим соҳасида давлат таълим муассасалари билан хусусий таълим муассасалари ўртасида таълим сифатини ошириш муаммосини ечишда ўта зарур бўлган реал рақобат муҳити яратилди.

Иккинчидан, жуда кўп ёшларимиз хусусий олий таълим орқали ўзларининг билим савиясини ошириш, меҳнат салоҳиятини юксалтириш имкониятига эга бўлди.

Учинчидан, тадбиркорларнинг молиявий имкониятлари юртимизнинг бугунги ҳаёти, айниқса, келажаги учун ўта долзарб муаммони ечиш – олий маълумотли мутахассислар билан иқтисодиётнинг таъминланганлик даражасини кўтаришга реал имконият яратиб берди.

Тўртинчидан, жуда кўп профессор-ўқитувчилар ҳамда ёрдамчи персонал ходимлари ишсизлик балосидан қутулиб, фойдали ижтимоий меҳнат билан банд бўлиш имкониятига эга бўлдилар.

Бешинчидан, хорижга юқори иш ҳақига даъвогарлик қилишга лойиқ малакали, олий маълумотли мутахассисларни экспорт қилиш имкониятлари сезиларли даражада кенгайди.

Олтинчидан, янги олий ўқув юрларининг ташкил топиши ва янги иш ўринларининг пайдо бўлиши профессор-ўқитувчилар меҳнатига талабнинг кучайишига, демак, уларнинг илмий-педагогик маҳоратининг қадрланишига замин яратди.

Еттинчидан, хусусий олий таълим муассасалари яратган хизматлар ҳисобидан миллий иқтисодиётда ЯИМ ҳажмини сезиларли даражада ошириш ва иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш имкони вужудга келди. Ўз навбатида, хизматлар ҳажмининг нисбатан тез суръатлар билан ўсиши мамлакатимизни постиндустриал жамиятга ўтиш жараёнларини жадаллаштиради.

Саккизинчидан, хусусий олий таълим соҳасида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари даромадлари, шунингдек, соҳада банд бўлган ходимлар иш ҳақи даромадларидан ундириладиган солиқлар ҳисобидан давлат бюджети даромадлари кўпаяди.

Тўққизинчидан, “Ўзбекистон-2030” Стратегияси, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” каби муҳим ҳужжатларда кўзда тутилган инсон капиталини тез суръатлар билан ривожлантириш ғоясини ҳаётга татбиқ этишда муҳим роль ўйнайди.

Шу билан бир қаторда, хусусий олий таълим муассасалари, ҳар қандай янги ишда содир бўлиши муқаррар бўлган, айрим қийинчилик ва муаммоларга дуч келдилар.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётга халақит бераётган, унинг йўлида ғов бўлаётган муаммоларни аниқлаш, излаб топиш уни бартараф этишнинг, демак, мазкур соҳада тараққиётга эришишнинг, биринчи даражали асосий шarti ҳисобланади. Шу сабабли, бугунги кунда олий таълим тизимида хусусий секторнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган айрим фикрларимизни кенг аудитория муҳокамасига чиқармоқчимиз.

Бизнингча, хусусий олий таълимни ривожлантиришда жиддий муаммо –ўқишга қабул қилинган ёшлар билим даражасининг пастлиги. Ҳаммага маълумки, хусусий университетларга талабалар тест имтиҳонларисиз, шартномалар асосида қабул қилинди. Натижада хусусий олий таълим муассасалари талабалар контингентининг деярли ҳаммаси давлат олий ўқув юрларига кириш тест имтиҳонларини топшириб, билим даражаси пастлиги туфайли, синовдан ўтмай қолган абитуриентлар ҳисобидан шаклланди. Ушбу тоифадаги абитуриентлар билим савияси пастлигининг 2 та асосий сабаблари бўлиши мумкин. Биринчиси талабаликка даъвогарлик қилаётган шахсининг ақлий қобилияти паст, заиф ривожланган ва бунинг натижасида ўрта мактабда фанни талаб даражасида ўзлаштириш имкониятлари чегараланган бўлган ёки иккинчиси, у ўқишни умуман ёқтирмайдиган, табиатан дангаса, ишёқмас, лоқайд ва бепарво шахс. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ушбу тоифадаги ёшларнинг билим даражасини таълим стандартлари талаблари даражасига кўтариш осон иш эмас. Хусусий олий таълим муассасалари зиммасига тушган ушбу муаммони узил-кесил ҳал қилиш учун жуда кўп ва астойдил меҳнат қилиш, ўқитишнинг ноанъанавий усуллари билан кенг фойдаланиш, талабаларнинг билимга қизиқишини кучайтиришнинг самарали чора-

ларини излаб топиш лозим бўлади. Чунки, олий ўқув юрти мулкнинг шаклидан қатъий назар, битирувчиларга диплом тақдим этишга қўйиладиган шарт ва андозалар бир хил.

Бизнинг назаримизда, таълим жараёнининг бошланиш даврида, яъни ўқишга старт берилган паллада, хусусий университет талабаларининг билим савияси давлат олий ўқув юртлари талабаларининг билим савиясига нисбатан сезиларли даражада пастлиги олий таълим соҳасида яратиш кўзда тутилган рақобат муҳитининг самарадорлигига катта салбий таъсир кўрсатади. Ижтимоий адолат тамойили нуқтаи назаридан улар ўртасидаги дастлабки старт шароитларини тенглаштириш, уларга юқори малакали олий маълумотли мутахассис тайёрлашга бир хил имкониятлар яратиш зарур. Акс ҳолда, олий таълим соҳасида хусусий секторга кенг йўл очиб беришдан мўлжалга олинган бош мақсад, яъни ушбу соҳада кескин рақобат муҳитини яратиш ғояси, амалга ошмай қолади. Агар юзага келган вазиятга тегишли тезкор ўзгартиришлар киритилмаса, хусусий олий таълим муассасалари давлат олий таълим муассасаларига муносиб рақобатчи бўлиб майдонга чиқиш имкониятидан маҳрум бўладилар.

Бизнингча, вазиятни ўзгартиришнинг амалий натижа бериши муқаррар бўлган истиқболли йўналишларидан бири – ёшларнинг ўқишга муносабатини ўзгартиришда, таълим сифатини оширишда ота-оналар имкониятларидан унумли фойдаланиш. Ушбу мақсадда талабаларнинг ота-оналари билан узвий алоқалар ўрнатиш, уларнинг ўз фарзандлари келажагига, тақдирига бефарқ эмасликларини ҳисобга олган ҳолда, ота-оналарни фарзандларининг фанларни ўзлаштиришдаги аҳволдан ўз вақтида хабардор қилиш. Ўрта мактаб ёки коллежда ўқишга бўйин эгмаган, билим савияси паст, саводсиз, ишёқмас ёшлар учун осонгина университетга кириш – бу катта бахт, омад. Айни пайтда, осонгина қўлга киритилган имконият уни бепарволик, масъулиятсизлик, бекордлик, текин томоқ томон етаклайди. Афсуски, кўп ота-оналар оғир меҳнат билан топган пулларини ўзларининг азиз фарзандлари учун аямай сарфлайдилар. Натижада унинг келажақда билимли, маърифатли бўлиб вояга етишига яна бир марта имконият яратиб берадилар. Лекин севимли, жондан

азиз фарзандларнинг ҳаммаси ҳам ота-она меҳнатининг қадрига етмайди, илм олишга нисбатан ўрта мактабда ўқиш жараёнида йўл қўйган масъулиятсизликни давом эттирадилар. Аксарият ота-оналар, университетга фарзандим учун шунча пулимни сарфладим, энди уни профессор-ўқитувчилар уни ўқитиб, илмли, маърифатли, зўр мутахассис қилиб тайёрлаб берадилар, деган кайфиятда юрадилар. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ўқиш учун тўланган мўмайгина пулнинг ўзи натижа эмас, балки натижага эришиш учун ёшларга берилган имконият эканлигини яхши тушуниб етмайдилар. Шунча йиллар давомида ўрта мактабда бепул ўқиш жараёнида давлат томонидан яратилган улкан имкониятлардан фойдаланмаган ва жиддий хатоларга йўл қўйган фарзанд энди ота-онаси томонидан яратилган иккинчи имкониятдан фойдаланиб қолишга шошилмайдилар. Ота-оналар “эркатой” фарзандларининг келажақда юқори малакали мутахассис бўлиб шаклланиши учун университет профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда, улар билан ёнма-ён туриб, меҳнат қилишлари, жон куйдиришлари, бу муҳим ишда уларга яқиндан ёрдам беришлари кераклигини унутмасликлари керак. Уларга ушбу вазиятни обдан тушунтиришни университет мутасаддилари ўз зиммаларига олмоқлари ва бу имкониятдан таълим сифатини ошириш муаммосини ҳал этишда унумли фойдаланмоқлари лозим.

Хулоса ва таклифлар.

Бизнинг назаримизда, ўқишга қабул қилинган ёшларнинг билим даражасида давлат ва нодавлат олий ўқув юртлари ўртасида мавжуд кескин фарқни бартараф этиш ва уларда рақобат шароитларини тенглаштириш муаммоси имкон қадар тезроқ, яъни ўқув жараёнининг дастлабки босқичларидаёқ, ҳал этилиши мақсадга мувофиқ. Хусусий олий ўқув юртлари ушбу долзарб муаммони ҳал этишнинг тўғри ва яхши амалий самара бериши мумкин бўлган ечимларини излаб топишлари лозим. Бу борада уларга ўзимизнинг айрим таклифимизни бермоқчимиз.

1. Бизнинг таклифимизнинг моҳияти шундан иборатки, нодавлат олий ўқув юртига киришни танлаган ёшларни 2 тоифага ажратиш керак. Биринчиси – давлат тест имтиҳонларини топшириб, танлаган мутахассис

сислиги бўйича институтга ўқишга киришга етарли миқдорда балл тўплаган ёшлар. Бундай талабаларга, давлат олий ўқув юртлари сингари, университетни ўқиб тугатиш учун имконият яратиб бериш мақсадга мувофиқ. Иккинчи тоифа – хусусий олий таълим муассасасига ҳеч қандай кириш имтиҳонларисиз кириб ўқишни хоҳлаганлар. Бундай хоҳишга давлат тест имтиҳонларидан тўплаган балларнинг ўрнатилган меъёрлардан паст бўлганлиги ёки кириш имтиҳонларида иштирок этишни хоҳламаслик ёки табиатан ёқтирмаслик сабаб бўлиши мумкин. Иккинчи тоифадаги талабалар учун хусусий олий таълим муассасаси фақат биринчи курс давомида ўқитишни кафолатлайди. Ушбу тоифадаги талабалар кейинги курсларда ўқишни давом эттириш учун белгиланган 3-4 та муҳим фанлар бўйича синов имтиҳонлари топширишлари ва келажакда олий маълумотли мутахассис бўлиб шаклланишга лаёқатли, малакали мутахассис бўлишга муносиб номзод эканликларини амалда исботлаб беришлари керак бўлади. Яратилган имкониятдан унумли фойдалана олмаган талабалар эса университет билан хайрлашишларига ва бошқа соҳаларда иш ахтариб топишларига тўғри келади. Натижада хусусий олий ўқув юртларида иккинчи курсда ўқишга старт берилган пайтда талабаларнинг билим савияси ва яхши ўқиб, юқори малакали мутахассис бўлиш учун салоҳияти, давлат олий ўқув юртлари талабалари даражасига тенглашади. Энг муҳими, ўқишнинг дастлабки босқичидаёқ талабаларнинг билим даражаси бўйича давлат ва нодавлат олий ўқув юртлари ўртасидаги тенгсизликка чек қўйилади.

2. Бўлажак талабаларни тоифалар бўйича табақалашда мотивация имкониятларидан ҳам унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Масалан, биринчи тоифа абитуриентларига тўлов миқдорини давлат университетларига нисбатан 10 фоизга кам, иккинчи тоифа учун эса, аксинча, ундан 10 фоизга юқорироқ ўрнатиш ҳам катта ижобий самара бериши муқаррар.

3. Давлат ва нодавлат олий ўқув юртлари ўртасидаги рақобат соҳасида юзага келган тенгсизлик муаммосини бартараф этишнинг бошқа механизмларини ҳам яратиш мумкин. Энг муҳими муаммонинг қўйилиши. Инсон ақлу-заковати ҳар қандай долзарб муаммонинг ечимини излаб топишга қодир.

Ўтган асрнинг 30-чи йилларида иқтисодий тараққиёт инсоният, хусусан, иқтисодчи олимларнинг олдига тарихда “Буюк депрессия” деб ном олган иқтисодий инқирозни бартараф этиш муаммосини қўйди. Ушбу долзарб муаммонинг самарали ечимини излаб топишга бел боғлаган юзлаб, минглаб иқтисодчилар орасида юксак истеъдод соҳиби Д.М.Кейнс излаб топди ва оламга машҳур буюк иқтисодчига айланди.

4. Амалий тажриба ва кузатувлар шундан далолат берадики, бугунги кунда, хусусий таълим муассасаларининг аксарияти ушбу долзарб муаммони ечишда асосий эътиборни ўқитувчи ва талабалар билим сифатига талабни ва назоратни кучайтиришга қаратадилар. Лекин, фақат маъруза ва амалий машғулотлар сифатини ошириш, талабалар билим сифатига талабни кучайтиришнинг ўзи билан бу ўта оғир муаммони ҳал қилишнинг иложи йўқ. Бизнингча, хусусий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишнинг айрим яширин имкониятлари мавжуд ва улардан унумли фойдаланиш мумкин ва лозим, деб ўйлаймиз. Булар қуйидагилар.

Биринчидан, университетда ўтиладиган асосий фанлардан илмий тўғараклар ташкил этиб, талабаларга чуқур билим эгаллаш учун қўшимча имкониятлар яратиш. Ўқув режаларида кўзда тутилган соатлар фанни чуқур ўзлаштириш учун етарли эмас. Айниқса, қобилияти пастроқ, базавий билимлари етарли бўлмаган талабалар учун бу тадбирнинг аҳамияти жуда катта. Илмий тўғараклар, биринчидан, билим сифатини оширишда муҳим роль ўйнайди, иккинчидан эса, талабаларнинг бўш вақтларини фойдали ишга йўналтириш учун реал имконият яратади. Тажрибали ўқитувчининг бевосита иштирокида ташкил этилган тўғарак талабанинг имкониятига имконият қўшади, унга фанни чуқур ўрганишига катта ёрдам беради.

Иккинчидан, кўпчилик ёшларда, уларнинг ота-оналарида хусусий таълимга нисбатан ҳадиксираш, шубҳа билан қараш, ишончсизлик туйғуларининг мавжудлиги. Афсуски, жуда кўп ота-оналаримизда, ҳаттоки ўқишга кирмоқчи бўлган ёшларимизда ҳам олий таълим муассасасининг мулк шакли битирувчи дипломни олгач, ишга жойлашишда баъзи қийинчиликлар туғдириши ҳам мумкин, деган

нотўғри дунёқараш мавжуд. Натижада абитуриентлар олий таълим муассасасини танлашда хусусий таълим соҳасида кириш имтиҳонлари билан боғлиқ ташвиш ва бош оғриқларининг йўқлигига қарамасдан, ўз билимига ишонган ёшлар айнан давлат олий ўқув юртларига устунлик берадилар. Аслида эса, бозор иқтисодиёти шароитида, ишга танлов даъвогар мутахассиснинг қайси мулк шаклидаги олий таълим муассасасини битирганлигига қараб эмас, балки унинг касбий малакаси ва билим савияси даражасига қараб амалга оширилади.

Айрим нодавлат олий юртларининг илғор тажрибаси шундан далолат берадики, улар хусусий мулк негизида ташкил топганлигига қарамасдан, қисқа (атиғи 3-4 йил) муддат давомида олий маълумотли мутахассислар меҳнат бозорида диққатга лойиқ муваффақиятларга эришдилар. Хусусий таълим муассасаси афзалликларидан, таълим жараёнини ташкил қилишдаги эркинликлардан, молиявий мустақилликдан катта ақл билан унумли фойдаланган олий ўқув юртлари таълим сифатини кескин ошириш орқали касбий малакани қадрига етадиган иш берувчилар орасида обрўй қозондилар.

Учинчидан, талабалар орасида катта тарбиявий ишларни амалга ошириш. Хусусий таълим муассасалари талабаларининг аксарияти ўз вақтида ўрта мактабда ёки коллежда ўқишнинг қадрига етмаганликлари учун ҳам мазкур университетга ўқишга кирганларини ҳисобга олиш зарур. Уларда ўқишга кучли қизиқиш уйғотиш, ўқишнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида, унинг жамият учун, шахсан талабанинг ўзи учун нечоғлик муҳимлигини қайта-қайта сингдириш, улар билан етакчи олимларнинг қизиқарли учрашувларини ўтқазиб таълим сифатини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Тўртинчидан, ёшларга таҳсил берувчи профессор-ўқитувчилар ҳамда таҳсил олувчи талаба-ўқувчиларнинг салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш имконини берувчи самарали механизмларни яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш. Инсонда ҳамиша, у қайси фаолият тури билан шуғулланишидан қатъий назар, фақат вазият тақозо этгандагина рўёбга чиқиши мумкин бўлган катта яширин ички салоҳият мавжуд бўлади. Бизнингча,

профессор-ўқитувчиларда ҳам, таҳсил олувчи талаба-ўқувчиларда ҳам мужассам бўлган ана шу ички яширин салоҳиятни тўла рўёбга чиқариш таълим сифатини оширишда асосий роль ўйнайди. Ушбу салоҳиятни рўёбга чиқаришга туртки берувчи омил – бу моддий рағбат, ёки, аксинча, моддий жазо чоралари. Бизнингча, моддий рағбат ва моддий жазо таълим сифатини энг юқори чўққиларга чиқаришнинг олтин калити. Фақат ушбу сеҳрли калитни ишлатиш санъатини чуқур ўрганмоғимиз керак. Кейинги йилларда спорт соҳасида юртимиз спортчиларининг салоҳиятини рўёбга чиқаришда айнан самарали моддий рағбатлантириш тизимининг жорий этилиши яхши натижалар берди. Аксинча, автотранспорт соҳасида йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаган ҳайдовчиларга нисбатан моддий жазолаш чораларининг кенг қўлланиши катта ижобий натижалар бераётганлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

5. Университетда таълим сифатини оширишда ҳар иккала воситаларни самарали қўллаш имконини берадиган янги мукамал тизим ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунда айрим хусусий олий ўқув юртларигина Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида” номли 2019 йилда қабул қилинган 1030-сон қарори билан тасдиқланган Низом асосида моддий рағбатлантиришни амалга оширадилар. Лекин ушбу Низом қоидаларининг айрим камчиликлардан холи бўлмаганлиги моддий рағбатлантиришга йўналтирилган харажатлардан юқори самара олиш имконини бермаяпти.

Хусусий олий таълим муассасалари фаолияти натижаларига ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда йиллар давомида тўпланган амалий тажрибанинг етишмаслиги, шунингдек, юқори малакали, тажрибали, илмий салоҳияти юқори олимлар ҳисобидан, раҳбар ходимларни, бошқарув аппаратини, профессор-ўқитувчилар жамоасини шакллантиришдаги муаммолар ҳам катта салбий таъсир кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кожевникова М.Н. Мир людей. Учить жить вместе, в радости, в добре. Направление социально-эмоционально-этического образования в гуманистической парадигме российского образования. Монография. — СПб: Издательство РХГА, 2023. - 307 с.
2. Сахарчук Е.С. Анализ зарубежных моделей подготовки кадров для сферы туризма: монография. – Кнорус, 2022.
3. Вольчик В.В., Ширяев И.М. Дистанционное высшее образование в условиях самоизоляции и проблема институциональных ловушек // Актуальные проблемы экономики и права. 2020. Т. 14, № 2. С. 235–248.
4. Муминов Н.Г., Захирова Г.М. Национальный университет Узбекистана колыбель университетского образования и академической науки в регионе. Монография. Сер. «Евразийские университеты XXI века». – Москва: 2022. С. 290-304.
5. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. Монография. - “Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи”, 2020. - 256 б.
6. Очиллов А.О. Юқори малака кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш. Иқтисодийёт фанлари доктори (DSc) диссертация автореферати. - Тошкент, ТДИУ, 2019. - 76 бет.
7. Исхакова С.А. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли даромадлари. Монография. – СамДЧТИ: 2021. - 204 б.
8. Канунникова А.М. Экспорт образовательных услуг России в условиях современных вызовов развития глобальной экономики. Специальность: 5.2.5 - Мировая экономика. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. - Москва: 2024. 182 с. - С. 26.
9. Организационные вопросы системы образования // Электронный-учебно методический комплекс : [сайт]. – Текст : электронный. – DOI отсутствует. – URL: http://www.kgau.ru/distance/mf_01/timofeeva-orgosn-obr/2_2.html (дата обращения: 10.12.2024).